

## Мерос оятларидан олинадиган фойдалар



10:57 / 21 февраль 903

Ўғиллар ва қизларга оид ҳукмлар

1. Аллоҳ таолонинг «**Бир ўғилга икки қиз улушича...**» деган қавли қуйидаги ҳукмларга далолат қилади:

- агар марҳумнинг ортидан фақат бир ўғил ва бир қиз қолса, улар ўртасида мол эркакка икки ҳисса, аёлга эса бир ҳисса шаклида тақсимланади;
- агар меросхўрлар бир неча эркаклар ва аёллардан иборат бўлса, улар «бир эркакка икки аёл улушича» қоидасига кўра мерос оладилар;
- агар болалар билан бирга эр-хотинлар ёки ота-оналар каби фарз эгалари топилса, биз меросни аввало фарз эгаларига тақсим қилиб оламиз. Сўнгра меросдан қолганини фарзандлар ўртасида «бир эркакка икки аёл улушича» қоидасига кўра тақсимлаймиз;
- агар марҳумнинг ортидан фақат ёлғиз ўғил қолган бўлса, албатта у молнинг ҳаммасини олади. Бу оятда очиқ-ойдин келмаган бўлса-да, лекин биз икки оятнинг жамланмасидан шуни тушунамиз. Аллоҳ таоло: «**бир ўғилга икки қиз улушича**» деганда, эркакнинг улуши икки аёл улуши мислича эканлигига далолат қилмоқда. Сўнгра давомида Аллоҳ таоло: «**Агар битта аёл бўлса, унга ярми**», демоқда (яъни марҳумнинг ўғли бўлмаса, ортидан фақат битта қиз фарзанд қолган бўлса). Ушбу икки

оятнинг жамланмасидан, агар ёлғиз ўғил қолса, у молнинг ҳаммасини олиши келиб чиқади;

• энди ўғилнинг фарзандларининг ҳукми қолди. Агар ўғиллар бўлмаса (вафот этган бўлса), уларнинг фарзандлари (яъни набиралар) марҳумнинг фарзандлари мақомида бўладилар. Бунга Аллоҳ таолонинг «**Аллоҳ сизга фарзандларингиз борасида ҳукм қилади**» ояти уламоларнинг ижмосига кўра, сулбий – пушти камардан бўлган фарзандлар, ўғилнинг фарзандлари, набиралар ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олишига далолат қилади.

### Ота-онага оид ҳукмлар

2. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

الْأُنثَىٰ حِطٌّ مِّثْلُ الذَّكَرِ <sup>ط</sup>أَوْلَادِكُمْ فِي اللَّهِ يُوصِيكُمُ

كَانَتْ وَإِنْ تَرَكَ <sup>ط</sup>مَا تُلَا فَلَهُنَّ اثْنَتَيْنِ فَوْقَ نِسَاءِ كُنَّ فَإِنْ

الْأُسْدُسُ مِّنْهُمَا وَاحِدٍ لِّكُلِّ وَلِأَبَوَيْهِ <sup>ع</sup>النِّصْفُ فَلَهَا وَاحِدَةٌ

فَلِأُمَّهِ <sup>ع</sup>أَبَوَاهُ وَوَرِثَتُهُ <sup>ع</sup>وَلَدٌ لَهُ يَكُنْ لَّهُ فَإِنْ <sup>ع</sup>وَلَدٌ لَهُ كَانَ إِنْ تَرَكَ مِمَّا

وَصِيَّةٍ بَعْدَ مِنْ السُّدُسِ فَلِأُمَّهِ إِخْوَةٌ لَهُ كَانَ فَإِنَّ الثَّلَاثَ

لَكُمْ أَقْرَبُ إِلَيْهِمْ تَدْرُونَ لَا وَأَبْنَاؤَكُمْ ءَابَاؤَكُمْ دِينَ أَوْ بِهَا يُوصَى

حَكِيمًا عَلِيمًا كَانَ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ مِنْ فَرِيضَةٍ نَفَعًا ۝۱۱

**«Агар фарзанди бўлса, ундан қолган нарсдан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир. Агар фарзанди бўлмай, унга ота-онаси меросхўр бўлса, онасига учдан бир. Агар ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир»** (Нисо сураси, 11- оят).

Ушбу оят қуйидаги ҳукмларга далолат қилади:

- агар марҳумнинг меросхўр фарзандлари бўлса, ота ва онанинг ҳар бири олтидан бирини олади;
- агар ота-она билан бирга фарзандлардан ҳеч ким бўлмаса, она молнинг учдан бирини олади. Қолгани, яъни учдан иккиси отага тегади. Бу оятнинг маъносидан келиб чиқади, чунки оятда онанинг улуши зикр қилинган. У учдан бирдир. Ота тўғрисида эса сукут қилинган. Бу қолган учдан икки отанинг улуши эканлигига далолат қилади;
- агар ота-она билан бирга ака-укалар (икки ёки ундан кўп) бўлишса, она мероснинг олтидан бирини олади. Қолган олтидан беш отанинг улушидир. Бу ерда ака-ука ёки опа-сингилларга аслида ҳеч нарса тегмайди, чунки уларни ота (меросдан) тўсади. Опа-сингиллар мерос олмайдиган бўлсалар, онани учдан бирдан, олтидан бирга тўсишнинг ҳикмати нимада, дейилса, бунга жавобан шундай дейилади: Аслида бунинг ҳикмати – валлоху аълам

– ота уларнинг никоҳига валийлик қилади. Нафақаларини зиммасига олади, чунки улар отанинг фарзандларидир. Она эса бу масъулиятлардан озоддир.

Ака-укалар марҳумнинг туғишганларидир. Демак, молга онадан кўра отанинг эҳтиёжи кўпроқдир. Она эса ҳеч қандай нафақа масъулиятига буюрилмайди.

**«Ислом шариатида мерос илми» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.